

«Кўп миллатли совет халқининг бирлиги олмосдек мустаҳкамдир. Олмос ранг-баранг товланиб тургани сингари халқимизнинг бирлиги ҳам Ватанимиздаги барча миллатларнинг физилатлари билан кўркемдир».

Л. И. БРЕЖНЕВ

ҲАЁТ НЕЪМАТИ

Лазиз ҚАЮМОВ.

Дунёда инсон тафаккурини учқуқроқ нәрса бўлмас.

Шу учқуқ тафаккур билан парвоз қилиб, ер кўрассини ҳаёдан қамраб олоқчи бўламиз. Тар-вуздек юмалоқ глобусни фикран суфра қилиб ёйсиз, унлаб ранглар билан жилланган ҳаритага айланади. Ундаги ҳар бир ранг маълум бир мамлакат рамайдир. Мамлакат эса, кўпинча, унда яшовчи халқларнинг номи билан аталади. Шу маънода, жаҳоннинг жуғрофий чегараси миллийликни ҳам англатади.

Жаҳон харитасининг тўридан жой олган она-Ватаним — СССР кўзимга ўтдек кўринади, унинг улғулиги қалбимга қувват беради. Шундай оиларда, Махковский мисралари ўзидан-ўзи тилга келади:

Унинг,
ҳавас қилинг,
гражданим —
Мен улуг Советлар мамла-
катининг.

Ҳа, мен шу улкан мамлакат гражданимин. Унинг тоғи, тоши, боғи, дарёси, қорхонаси — барча барчаси менники! Чунки биз, қорак миллиярд совет кишилари, янги бир ижтимоий жамоа — совет халқи деган тушунчани бунёд қилганмиз. Шунинг учун бойлигимиз ҳам, ютуғимиз ҳам, мақсадиимиз ҳам, курашимиз ҳам, меҳнатимиз ҳам бир.

Совет кишии характерининг туб моҳиятини ташкил этувчи соци-
листик инстинктлар кўп. Шулардан би-
таси — Ватан тушунчасининг
гоят кенглигидир.

Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ бу тушунча ҳаётда пайдо бўлган ва инқоқдорларга илҳом берган эди. Уша йиллари айрим миллий маҳдуд шоярлар Ватан мавзусини Фарғона тушун-
часи билан чегаралаб қўйган бўл-
салар, Х. Олминов «Кизил Мас-
ковга» деб шояр ёзган ва ада-
биятда социалистик Ватан темаси-
ни янгича талқин этишни бошлаб
берган эди. Ана уша шоярлардан
бошланган интернационализм го-
си «Россия», «Рассвет» кўз
ёшлари» каби шояр асарларда ўзи-
нинг мукаммал ифодасини топган.

«Бой ила хизматчининг финали»
ни эсланг: зулм ҳақидан ошиб,
Гофир ниҳоят қаттиқ қийноқлар
остида қолган, Солиҳбой унинг
ҳатто муҳаббатини ҳам поймол

қилган эди. Бутун асар мана шу
ҳаёт драматининг батафсил баён-
лиги иборат. Гофирга ҳаётнинг
бу боши берк кўчидан чиқиш
йўлини-революцион кураш йўлини
у Сибирда танишган рус револю-
ционерлари кўрсатадилар. Демак,
бу мавзунини Ҳамза Ҳакимзода Ниб-
зий рус ва ўзбек халқларининг
революцион ҳамкорлигини ифода-
лаш шаклида ҳал қилган.

Устоз адабимиз Ҳамзанинг 1917
йилда ёзилган маъзур асаридан
тортиб, то шу кунгача барча йи-
рик ўзбек совет адаблари интер-
национализм темасини бош мавзу
қилиб олганлар ва шунинг учун
ҳам бу гоа ижодимиз деймоғимиз-
ди. Гофур Гуломнинг «Сен етим
эмассан», Ойбекнинг «Днепро-
строй» уяғунининг «Украина елла-
ри» каби поэтик асарлари, Қомил
Яшиннинг «Йўлчи юлдуз», Назир
Сафаровнинг «Шарқ тоғи» дра-
малари, Шароф Рашидовнинг
оташнафас публицистикаси, Зул-
фия, Миртемир, каби кўплаб шо-
ирларимизнинг жушқин шеърла-
рида шу гоа ўзига хос услубда
ифода этилган. В. Зоҳидов, И.
Султонов, А. Мухтор, Х. Гулом, И.
Раҳим, Р. Файзий, Р. Бобожон,
Мирмуҳсин, Шухрат, Х. Назир,
Шукрилло, С. Аҳмад, Г. Қодиров,
О. Ёқубов ва бошқа кўплаб адаб-
ларимизнинг ижодини таҳлил қи-
лас, халқлар дўстлигини улуғловчи
дурдона асарларини кўп кўрамиз.
Буларнинг барчаси адабиёт халқ
оммасини интернационализм ру-
ҳида тарбия қилишда қудратли
восита бўлганлигидан далолат бе-
ради.

Ана шу адабиётдан руҳан озик
олиб, оғиз шаклланган бир ўқувчи
сифатида ўзимнинг Ватан ҳақида-
ги тушунчамни фикран таҳлил
қиламан. Тошкентнинг Навоий
кўчаси қанча қалбақ маъзур бўл-
са, Москванинг Горький проспекти
ҳам, шунчалар ёқимлидир. Рес-
публикамиз пахта палани бажар-
чиликни нақадар чин қилганини
таълаб бўламиз. Қозғистоннинг
дондан яратган миллиярд ҳам
шунчалар дилга яқиндир. Жаҳон-
нинг кўп мамлакатларида бўлиб,
уларнинг осори-антиқаларини Бу-
хоро ва Самарқанд билан муқо-
са қилдим ва ўз ақдодларимиз,
нинг иллий кучи ва гўзал меҳнати-
дан мамнун бўлдим. Айни вақтда
Киевдаги қадимий рус иншоотла-

ри, зиг шимолий Россиянинг Кюки
шаҳрида битта миҳ қоқилмади кун-
рилган қадимий бутхона, Брест
қалъасининг қадимона тарихи,
Арманистоннинг тошдан асалган
сердашам бинолари, Озарбайжон-
даги гўзал ҳайкаллар — ҳамма-ҳам-
маси ҳам ўзимникидек, мен учун
ҳайратбахшидир.

Улкан дўстлигимиз таассуротла-
ри дилда уйғотган ҳақон бепоён.
Бу ҳиссиётларнинг самимийлиги
эса минг бор тарих синоидан
ўтган. Урта Осиёни истибод зул-
мидан озод қилган революцио-
нерларнинг баҳтимиз бунёдкорла-
рининг рўйхатини ҳаёдан тузиб
чиқсак, бу интернационализмнинг
жонли мисоли бўлади. Украина,
Белоруссия, Болтиқ бўйларидан
дафн этилган қабристонлар ёки
улар хотираси учун тикланган кўр-
гонлардаги ёзувлар ичидан ўзбек-
ча исмларни ўқиганда, интерна-
ционализмнинг муқаддас намуна-
ларини қалбдан ҳис қиламиз. Биз
ана шундай муқаддас анъанани
муносиб давомчиси бўлган авлод-
миз. Совет халқи, шонримиз айт-
гандек:

Бир-биринга шотирд,
Бир-биринга устоз.

Ўзбек агрономи чигитининг
вилта чидамли навиани тоғса, кир-
ғиз қариндоши билан баҳам кў-
ради. Боқилди доктор, янги дори
ишлаб чиқарса, ҳаммаимизнинг
дардимизга даво бўлади. Қўли-
миздаги соат Минскда ё Пен-
зада ишланган. Машинаимизнинг
адреси Горький ёки Ижевск. Иза-
ново тўқувчилари Тошкент тек-
стиль комбинатига эскидан рақ-
намо. Бунга ўхшаш мисолларни
минглаб келтириш мумкин ва
уларни ҳеч қачон санаб адоғига
етиб бўлмайди.

Дўстлик — ҳаёт неъматиди. Та-
факкурининг учқуқ қанотларида
парвоз қилиб, кўкдан ерга бок-
сам, дунёнинг зийнати бўлган Со-
ветлар мамлакатидега тарихда мис-
ли йўқ миллионларнинг қон-қар-
дошлигини, жон-жондошлигини,
мангу дўстлигини кўраман. Шулар-
нинг барчасидан маъзур ҳолда
ҳайқиргим келади:

— Чиндан ҳам инсон тафаккури
гоят чуқур ва учқур. Тарих зулми-
ти орқасидан бугунги гўзал ҳаёт-
ни кўра олган, барча халқларини
шу кунги соодатга мушарраф эт-
ган раҳнамо партияимизга, улуг
Ленинга тасанно!



ЕШЛИК ЗАВИК.
Д. РЗИМЕТОВ фототўди.

Ярослав СМЕЛЯКОВ,
СССР Давлат мукофоти лау-
реати.

ОДДИЙ ОДАМ

Ингирманчи асра
Ана юртимда яшаб,
Айтмоқиман қасида
Оддий одамга атаб.
Газеталарини қараб
Уйлаб қоламан гоҳо:
Қандай келибди ажаб,
«Оддий» деган бу баҳо.
У чамамда, ҳу, йироқ —
Утган йиллардан ёғор:
«Оддий халқ — пасту гумроғ,
Олий зотдир — ҳар инбери».
Яна бу сўз, айни чоғ,
Узгача маъно беради:
«Буниси мураккабон,
Униси оддий», дерлар.
Бизнинг ҳур замон аро
Озод элларда шу тавб:
Бу айрича, бу баҳо
Ноғури, кулгили гап.
Ҳа, Ленин Россияни
То нўз юмий оғунча
Гигантлар бунёд этган —
Уган оддиймас утча.
Ундаги илҳом, даҳо,
Агар мен сизга айтсам,
Зур — баъзи шоярдан ҳатто,
Унлаб маълодан ҳам.
Не муҳим бўлса агар —
Тинчлик учун, шу ўртоқ
Санар ўзин жавобгар,
Соғинади бўлмас ҳеч чоғ.

Абдулла ШЕР таржимаси.

Мамлакат енгил соаноатчилари ўр-
тасида бошланган ўзаро ҳамкорлик,
дўстлик ва мусобақа уларни тобо-
ра бир-биринга яқинлаштирди. Су-
ратда: мусобақадор ўч республика
енгил соаноатчилардан бир гуруҳласи
Тошкент учрашувда: (чапдан)
Минскдаги «Комсомолец» фабрикаси-
нинг тўқувчиси Е. И. Липницкая, Бе-
лоруссия ССР енгил соаноат министри-
нинг ўринбосари М. Б. Соколов, Ми-
нск майин мовут комбинатининг тў-
қувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳра-
мони В. М. Саломоха, Қозғистон
ССР енгил соаноат министри-
нинг ўринбосари Е. П. Смирнов, Тош-
кентдаги Марказий лойиҳалаш ва
конструкторлик технология бюроси-
нинг инженерлари Ф. Аҳмедова ва
Ш. Носировалар.

А. Тўраев фотоси.

БУНЁДКОРЛАР

Қарши чўлининг қайси бурча-
рига борманг, ўзбеклар билан
руслар, украинлар билан турк-
манлар, тожиклар билан грузин-
лар ва бошқа миллат фарзандла-
ри қўлини қўлга бериб меҳнат
қилаётганлигининг гувоҳи бўла-
сиз. Улар даштини тезроқ ўзлаш-
тириш, Амударё сувини чўлга
бошлаб келиш ишчи билан иш-
лаётчилар.

Чўлқуварлар даштнинг энг му-
раккаб иқлим шaroитларига бар-
дош бериб, катта яратувчи-
лик ишларига қўл урмоқдалар.
Ҳозир даштдаги қурилиш май-
дончаларида, канал трассалари-
да, янги совхозлар қурилишида
17 мингдан ортиқ чўлқувар жоса-
рат курашиб меҳнат қилляпти.
Энг муҳими, ишнинг тақдирини ҳал
бўлаётган уштакларда комму-
нистлар меҳнат қилляпти. Даштда
1200 коммунист, 1400 дан ортиқ
комсомол-ёшлар гайрат билан
тер тўқиятлялар. Улар энг ақши
тақлиф ва ташаббусларнинг
инқоқдорлари бўлиб чиқмоқда-
лар.

Чўлдаги қурилишларда 46 мил-
лат ва элат вакиллари бир оила
фарзандларидек ақши меҳнат
қилляптилар. Догистон фарзанди,
коммунист меҳнат зарбдорини
Керем Исоев бошлиқ бригадада
8 миллат вакиллари ишляпти. Бу
ерда интернационал экипажлар
қўллаб топиладди. Рус фарзанди,
Бутуниттифок гидромеханизатор-
лар конкурсининг иккинчи марта
ғолиби Михаил Карманов, ўзбек
ўғлини, Ўзбекистон ССР Олий
Совети депутаты экскаваторчи Ни-
ёз Тоштемуров, СССР Олий Со-
ветининг депутаты, моҳир курув-
чи Анвар Жалилов, буёдозорчи
Бозор Қудратов, немис Виктор
Генкел, эстон Қазимир Маргу-
ман, тожик Усмон Абдиев, турк-
ман Қўлиёғди Абдуллоев, украин
Адоф Валошкларнинг номи
Қарши даштини ўзлаштирувчилар
орасида хурмат билан тилга оли-
нади. Уларнинг меҳнати завзига
жуфта катта ҳажмдаги қурилиш
монтаж ишлари амалга оширил-
ди. 457 миллион сўмликдан ор-

тиқ капитал маблағлар ўзлашти-
рилди 375 миллион сўмлик қу-
рилиш монтаж ишлари бажарил-
ди. Жумладан, 348 миллион куб
метр тупроқ, 1 миллион 500
минг куб метр бетон ва темир-
бетон ишлари амалга оширилди.
487 минг квадрат метр турар-
жой, 4 минг ўқувчиға мўлжал-
ланган мактаблар ва бошқа кўп-
лаб маданий-маиший, ишлаб чи-
қарш бинолари қуриб битказил-
ди.

Қарши магистрал каналда 4
та насос станцияси ишга тушири-
либ, 105 километр масофаға чў-
зилган Ульянов канал орқали
даштда Амударё суви бошлаб
келляпти. Ҳозир даштда қамол
топаётган Ульянов райони хўла-
ликлари Амударё сувидан баҳ-
раманд бўлляптилар.

Дашт бағрида туқизинчи сов-
хоз ташкил этилиб, 1200 гектар
ерда ақши ният билан деҳқончи-
лик қилинляпти. Бу — чўл бағри-
да ястаниб ётган қариёб 2 мил-
лион гектар унумдор ерларда
боғ-роғлар яратилиши бошла-
ниши. Ана шу катта ишларни
амалга оширишда мамлакатчи-
лигининг барча халқлари ҳисса
қўшляптилар. Дўстлигимиз қудра-
ти тўғрйли асрий бийбоз гулла-
ган қудийға айлантлярилмоқда.

Чўлдаги қурилишларға мамла-
катимизнинг кўплаб соаноат мар-
казларидан техника воситалари,
механизмлар, қурилиш материал-
лари, темир-бетон блоклари, ме-
талл конструкциялари тўзотсиз
келиб турибди. Қардош респу-
бликаларнинг кўплаб соаноат кор-
хоналари Қарши чўлқуварлари
буёртмасини биринчи гада ба-
жармоқдалар. Шу тўғрйли даш-
ти бутун мамлакат ўзлаштиряпти
дейишға ҳақимиз. Чўла зарур
асбоб-ускуналар, турли қурилиш
материаллари етказиб беришда
Иттифокимиздаги 200 дан ортиқ
соаноат корхоналари иштирок эт-
ляпти.

Ватанимиз пойтахти Москва-
нинг лойиҳалаш институтлари
даштдаги иншоотлар лойиҳа-
ларини ўз мўддатига етказиб бе-

ришда жонбозлик кўрсатмоқда-
лар. Шунингдек, Рига шаҳридан
сув юқмайдиган плёнкалар келиб
турибди. Узоқ Уралдан қудратли
насослар тайёрлаб жўнатыляпти.
Белоруссия пойтахти Минск шаҳ-
рининг автомобилсозлари эса ба-
қувват ағдарма машиналар тай-
ёрлаб жўнатоқдалар. Қастрома
шаҳридан электр экскаваторлар,
Пермдан одимловчи экскаватор-
лар, Челябинскдан қудратли
бульдозерлар, Волгограддан ва-
гон-уялар келтириляпти.

Ашқободдан, Саратов шаҳри-
дан ойна, Ростов, Бекобод, Ока
шаҳарларидан шифер, Пермь,
Красноярск, Челябинск, Олтой ва
Кузбассдан ёғоч, ёғоч уялар, тур-
ли деталлар келтириляпти. Тош-
кент, Қурск ва Самарқанддан
турли қурилишбоб бўйлар, ло-
йиҳалар, материаллар, Чирчиқ ва
Пензадан лавантлаш материал-
лари, Боксу, Магнитогорск, Гулис-
тон, Қарағанда шаҳарларидан
тросс симлар, металл ва металл
конструкциялари, Охангарон, Ку-
васой, Душанбе шаҳарларидан
цемент, Жиззахдан силкаляччи,
ингма уялар олинмоқда. Арма-
нистон, Грузия, Болтиқбўй рес-
публикалари, Сибирдаги қатор
соаноат марказлари ҳам Қарши
даштини ўзлаштиришда ақти-
ватнашмоқдалар, чўлда олиб бо-
риляётган улкан ҳажмдаги иш-
лари биланланган мўддатда ба-
жарилишға катта ҳисса қўшля-
тилар.

Туқизинчи беш йилликда чўл-
қуварлар даштда 630 миллион
сўмлик капитал маблағларини ўз-
лаштириладди. Қарши магистрал
канал ва канал бўйлаб қуриля-
ётган 6 та ноёб қудратли насос
станциялари ишга тушириладди,
85 минг гектар қуриқ ер ўзлаш-
тирилади, 100 минг тонна нўл
пахтаси етиштирилади. Янгидан
кўллаб совхозлар ишга тушири-
лади. Чўлқуварларнинг азият қа-
рори ана шундай.

С. УСМОНОВ,
«Қаршироёла» бошқармаси пар-
тия комитетининг секретари.

Одатда ота-она, ака-ука, опа-сингиллар бир
оилани ташкил этганини қайи бутун совет халқи
ҳам гоят буюқ ва бир бутун оилани ташкил қи-
лади. Бу оиланинг тўғич ўғли, пещидадан аёзо-
си улуг рус халқидир. Буяннг боиси шундаки,
рус халқи мамлакатимиздаги барча миллатлар
орасида миқдор жиҳатидангина катта ўринни
оғаллаб тургани йўқ; у энг истеъдодли, ақли
расо, заковатли, ҳар бир ниятда меҳнатда,
тарбиялларвар, инсонларвар, дўстлиқа вафодор,
ёмонлиқа қарин жанговар курашчидир.

Коммунистик партия барча халқларимиз-
нинг бирояқдорли бўлса, рус халқи уларнинг
энг олдиди сафдаги авангардидир. У Ватани-
мизнинг ифтихори, олтун узунининг ёқут қў-
зидир. У галаба қилган социализмининг фидойи
бунёдкорларидан бири, барпо этилаётган
коммунизмнинг пещидадан меъморидир.

Рус халқи — халоскоримиз. Бу халқнинг
етакчилиги роли унинг иррий ҳусусиятлар
ёни миллий муштовлиги билан ўлчанмайди.
Бу роль унинг мамлакатимиздаги барча халқ-
ларға бош-қош бўлиб, уларни фотихлардан му-
хофаза, эълимлардан ҳимоя қилганлигидир.

Рус оғамизнинг минг йилдан кўпроқ
вақт давомида босиб ўтган йўлиға назар та-
шлаб кўринг-а! Шула, даставвал, уч қондош
халқ — рус, украин, белорусларнинг тўғич
давлати — Киев Русияи ташкил эттай жан-
говар бирлиқа руслар сарпор бўлганини кў-
раман; шунда Осиёдаги чигиртнадек ўрмалаб
келган хунлар, печенег ва қипчоқлар, Янаубо-
дан қора бузутдек ёпирилиб келган византия-
лилар, Ғарбдан вабодек таҳдид солиб келган
немис, швед, поляк иттилоқчиларини қўрасиз;
Улар уч қондош халқ меҳнидек бирлигининг
мустаҳкам деворини урилиб, зарбаға учраб,
адабини еб орқаға қараб, келган йўлиға қочиб
қолган.

Халоскор рус халқи кейин ҳам ўзининг
эмас, бошқа халқларини ҳам бир нета марта
қирилиб кетишдан сағлаб қолди: у жаҳонгир
Чингиз ва Ботухон галадарининг муҳим зар-
басига кўрасини қалқон қилиб, йўлиға гов
солди; Европа тувроғига қадам босиларини

УМРБОД МИННАТДОРМИЗ

йўл қўймади: агар немис рицарларининг, по-
ляк-швед босқинчиларининг адабини берма-
ганда, Европанинг ўзи ҳар қанча эър берса
ҳам бу фалокатдан қутулалмасди.

Европанилар мабодо бу босқинчилардан
амал-тақал қилиб, мўъжиза билан қутулиб
қолсалар ҳам, Наполеон сиртмоғига тушиб қо-
лардилар.

С. Разин, Е. Пугачев, И. Болотников етак-
чилигидаги деҳқонлар қўзғоловининг харапат-
лантйрувчи кучи ҳам жафоза рус халқи бўл-
ган.

Энг ялғор, жанговар, азамат рус пролета-
риятини, унинг йўл кўрсатувчи юлдузи ле-
нинизмин, унинг иқодисини, саркори Улуг Ле-
нинин тарих сахнасиға баралла чиқарган ҳам
рус халқи бўлди. Рус пролетариати захматқаш
рус деҳқони билан қўлини-қўлаға бериб, бирин-
кетини утча революция қилди. Мамлакатда 300
йил хунж сурган чоризмин титратди, кейин
қайнатди, сунгра барча эълимлар тоғу-таъти-
ни уларнинг ёш учун тоғутта айлантирди.
Уларни гузмон қилиб, чет эллардаги қардош-
ларига, гўё қуриб қўйинг, биздан ўрнак ол-
сангиз, сиз ҳам тарих суяриқчиларидан халос
бўласиз, деди. Яна бир иборат, йўл, таъриб
қўрсатишға амаз этиб, социализмининг музавзам
биносини қуришға киришди; барча халқларини,
жумладан шаронт тақозоси, тарихий таъдир-
нинг қалтис ҳазили кастриға қолган ўзбек би-
родарини ҳам ердин қуларға етказлади. Уни
феодал-патриархал тузум чангалларидан олиб
чиқиб, социализм нуридан баҳраманд этди.

Рус халқи Ватанға солиқ, дўста вафодор,
душманға шайқатсиз бўлгани учун социали-
стик тузумдан қувват, партиядан дастур, биро-
дарларидан мадад олиб, титлерчи ғазандларин

қириб ташлади. Улуг Ватан урушида Совет
Иттифоқи Қаршиноман унвонини олган 10 ярим
мингдан ортиқ азаматининг 7,5 мингта яқини
рус фарзанди эканини айтиш ифйода деб ўй-
лаймиз. Бу урушда жон олиб, жон берган,
энг кўп кулафат, мусибат чеканларининг ҳам
қўчилиги шу халоскоримиздир.

Октябрь қурулди қўзғолови, граждавлар
уруши, босмачиларға қарши кураш, гитлерчи
ғазандлар билан жангу-жадал йилларида кат-
та оғамизнинг али ўғлонлари туқкан табар-
рук қолға ўзбек ва бошқа халқлар фарзандла-
рининг муътабар қонлари омухта бўлиб нег-
ган. Шунинг учун бизнинг қардошлик оила-
мизда буюқ тенгли қонуни ҳукмрон: ўзаро
брдам беғараб ва беиминат, қўйномиздан ту-
кмиш оут, қўлғимизга гўё ҳеч қимнинг ноини
айришга эмас; ҳамма ўз бахтиға ўзи хўжайин;
бу бахт гоийбодан эмас, партиядан, дўстликдан,
социалистик тузумдан, партияимиз ақл-заковати,
доҳияларимиз даҳосидандир.

Рус халқи бизға дахрроқ, устоз ва мураб-
бийдир. Бу оиланабо халқ мамлакатимиз меҳ-
нат аҳллариға ҳам, жаҳон халқларига ҳам со-
циалистик, сўнг коммунистнинг жамият қуриш
мисоли ва лозимлигини кўрсатди. Ер юзида
энг адолатли жамият коммунизмнинг таниган
барча халқлар ҳам ундан ибрат, намуна олди-
лар, таърибда ўргандилар: империализмға қар-
ши астойдил курашдилар; 10 дан ортиқ мам-
лакатда унга қирон келтирдилар; мустамла-
лачилиқни чой-қонидан сўкиб, уни тарих му-
зейига топиштирдилар. Буржуа мафкурачилари
ва лидерлари умид боғлаб, эркалаб от қўйган
«учинчи дунё» ҳам социализм йўлини тан-
ламоқда.

ва жарангдор, аниқ ва равшан, қизиқарли ва
кенг қўламли бўлиб қолди.

Бу тилининг фазилатлари гоят юксак, истиқ-
боли пордоқ эканлигини инсоният эндиғина
билгани йўқ. Утган асрларда ҳам улуг зотлар
бу тилға мафтун ва уни ўрганишға ишқибоз
эканлиқларини изҳор этишдан толмаганлар.

Маркс 50 йилга илгарида ҳам, ўз қизи Же-
ннинг айтишича, рус тилини «зур ҳафсала
ва гайрат билан» ўргана бошлаган ва ярим
йил ўтгач, рус ёзувчиларининг асарларини
эркин ўқий оладиган бўлиб қолган. Энгилес
ҳам рус тилини пухта билди олган эди.

В. И. Ленин биз ўз тилимизни ва ўз Вата-
нимизни севаимиз. Турғуева ва Толстой, До-
бродубова ва Чернышевскийнинг тили буюқ ва
қудратлидир, деб уқтирган эди. М. Горький
бўлса, рус тили битмас-туганмас бойлиқа эга
ва ҳайратомуз тезлик билан бойимонда деб
эди. Ломоносов, Пушкин, Турғуева, Маяков-
ский ва бошқалар рус тили ҳақида эър миллий
ифтиҳор ҳислари ва мамнуният билан гап-
ридилар. Маяковскийнинг қўлидаги мисрала-
рида баён этилган фирр рус тили шайиға ай-
тилади тили эмасми?..

«Еши қайтган бир негр
бўлганимда ҳам,
Эталаб ҳақ эдим
русларнинг тилини,
Машқ қилардим эримай,
Бўшпай, бардам
Шу вақддан, бу тилға
гапирган Ленин».

Рус тилини СССРда деярли ҳамма, жаҳон-
да эса онгли кишиларнинг кўпчилиги эър иш-
тиқ билан ўрганляпти десак муволажа эмас. У
энг кўп тарқалган, муътабар жаҳон тиллари-
дан бирини айлади.

Ўзбек халқи ярим асрдин шонли юбилейига
астойдил ҳозирлик қўраётган шу айёмда ўз
оғасидан, жонажон партиясидан яна бир бор
миннатдорчилиқини изҳор этади. Шарқ халқ-
ларига хос тавазлуф билан таъзим бажо кел-
тиради.

А. ОРТИҚОВ,
профессор.

КУДРАТЛИКЗ МАНЗАИ

БАХТ БЎСТОНИ

Дераза ортида дараклар шовуллайди, яхлит пахтазорлар уфққа чўзилиб кетган.

Хавобдан яхши кийинган йигит-қизлар китоб қўлига кираётган томон ўтиб кетишди. Клубдан пианинода чалинаётган куй, болаларнинг қувноқ кўшиги эшитилди. Колхозимизнинг «Дўстлик» ашула ва рақс ансамбли шу ерда концертлар бериб туради. Қўшни хоналарда йигирма-ўнча ички арифмометрларда колхознинг даромад-бурмадини ҳисоблаш ўтирибди. Телефонлар жиринглайди. Симда—Москва, Тошкент! Колхозчилар олий ўқув юртига кириш имтиҳони топишарётган фарзандлари билан гаплашади. Колхоз қишлоғининг ҳаёти шаҳарга ўхшайди. Шундай пайтларда, ким эди, ним бўлди, деб савол берман ўзимга ўзим.

Қуш уса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган Мирзачўли шу ерлар? Ишонинг келмайди. Мирзачўли улут мамлакатимизнинг ҳамма миллат ва элатлари ўзлаштирилган, гуллаган бўстонга айланган. Бизлар Сирдарёда, унинг далаларида беш мингта «зангори кемани» бошқариб, пахтадан улкан тоғ яратган пахтакорлар ва механизаторлар билан, ҳар бири дарага тенг каналларни, саҳий даладарда мева-чева, қовун-тарвузлар етиштирётган соҳибкорлар билан, суғий ёмғир ёғдириш машиналарини бошқарётган ишчилар, энг катта нурхона — Сирдарё ГРЭСини қураётган замонамиз Фарҳод ва Ширинлари билан фахрланамиз. 1913 йилда бутун Ўзбекистонда 429.300 гектар майдонда пахта етиштирилиб, ҳаммаси бўлиб 521.700 тонна ҳосил йиғиштириб олинган экан. СССРнинг ярим асрлик тўғи ишловланган 1972 йилда эса фақат Сирдарё областининг ўзи қариб шунча ҳосил берди. Жаҳон пахтачилиги тарихи ҳали бундай катта қўлларни комплекс ўзлаштиришни билмайди. Бу ҳам тузумимизнинг, халқларимиз буюк дўстлигининг меvasи.

Деразага тикиламан. Кутубхона, клуб, тўйга ясашиб кетатган колхозчиларнинг чехраси ёру. Қўллари ўз егил машиналарида қатнашди. Улар ўтин-чўп, керосин, тегиримон-ун ташвишини биллшмайди. Уйда электр чироқлари чарақлаб ёнади. Водопроводларидан сув шарқираб оқиб туради. Нонвойхонада тайёр иссиқ нон! Колхозда 383 хотин-қиз, 390 эркак ишлайди. Ҳаммаси рўзгорининг «кири-чиқри» ташвишларидан холи. Жамоат ишларини қилишди, олий ўқув юртидан, техникумлардан сиртдан ўқинади, музика ўрганишди... Уларнинг гулгул чехраларига қараб туриб, ёлғизлигини эсладим.

Ҳозир ҳаётига пахтакор деб ном таратган халқимиз

Назира НҲДОШЕВА,
Сирдарё районидagi Ленин номида колхоз райси,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий
Советининг депутаты.

нинг ўтмиши қандай бўлганини китоблардан, нексаларнинг ҳикояларидан биламиз. Ота-боболаримиз бир умр замон дастидан дод, деб ўтганлар. Улар учун «Осмон йирон, ер қаттиқ» бўлган. Ўқиш ўрнига қозон қайнаши учун ўтин терилган, ёпиш ўрнига бармоқ оёсиган. Агар Октябрь қуёши балқиб чиқмаганда мен ҳам бир умр чор дотор ичида яшаб, кўсимта шамаол тегмай кетардим. Ота-онамдан билигимда ақралди.

Кетмон кўтариб, далага чиқганимда ўн беш ёшда эдим. Уруш. Ўнгитлар ҳаммаси фронтга кетган. Қарй-қаранг, хотин-халал, болалар қолган қишлоқларда. Ёриш ишларимиз, олингандан ҳам кўпроқ ҳосил етиштирилмиш, ҳам, халқини, ҳам армияни боқимиз, ийинтирилмиш кетмон билан далада иллаямиз. Меҳнат—ҳаётимизнинг ўзги меҳнат—овунчоғимиз, меҳнат—қувончимиз бўлди. Юрагимизда катта меҳр, ифтихор ва нафрат бор эди: Жангчиларимизга — меҳр, душманга — нафрат! Шу бизга янги куч бағишлади. Габаба, буюк габаба, висол овлари ни сабрсизлик билан кутуб, уни яқинлаштириш учун ишладик.

Хали-хали ёдимда: республика пахтакорларининг 1944 йилдаги қурултоғи. Жангчиларимизнинг фронтдаги катта галлабалирига жавобан мамлакатга бир миллион тонна пахта етказиб берамиз, деб қасамд этган эдик. Тенгдошларим, ҳамкасбларим юзидаги, қўндаги қаттиқ, продани ҳозир ҳам кўриб тургандайман. Улардан қўлларининг юзларига ажини тушиб, сочлари оқарди. Айримлари пенсияга чиқиб кетишди. Лекин уларнинг меҳнатлари зое кетмади. Габаба қилдик. Мана, бугун уларнинг укалари, фарзандлари 4 миллион 750 минг тонналик хирмон тиклаб туришди. Бунинг заминини ўшалар қўйишган эди.

Бизнинг колхозимизда ҳам ўшалардек камтарин, меҳнатнаш, уста пахтакорлар авлоди вонга етди. Биз пахтачиларни Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, колхоз иш-

лаб чиқаришнинг ветеранлари Элмурод Раҳматов, Қурбонбой Муллаевлардан ўргандик. Звеномиз пахта ҳосилдорлигини муттасил ошира борганлиги учун 1947 йилда менга ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Мен буни звеномизга: бутун колхозимиз меҳнаткашларига берилган муқофот деб билман. Колхоз бўлмаса, ёшларда меҳнаткаш, камтарин дугоналарим бўлмаса, мен бир ўзим нима қарамат кўрсата олар эдим?

Кабинет эшиги очилди: татар хотин қизининг тўйига таклифнома келтирибди.

Яна бир қорейс колхозчи кирди: шодикорлик бригадасига ўтказишни сўраб ариза ёзди.

Яна бир турк чол кирди: ўғли ўқинишни битириб келатган экан. Янги уй қўрмоқчи бўлибди.

Гоҳо уларнинг қайси миллатдан эканлигини, қайси тилда гаплашаётганлигини ҳам унутиб юбораман. Колхозимизда ўн етти миллат вакиллари бир оила фарзандидек инос меҳнат қилмоқда. Улар бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд, билганини ўргатади, билмаганини ўрганади, бир-бирини ҳурмат қилади, тўй, азадидан қолмайди. Меҳнат ҳам, ноз-неъматлар ҳам, шодикорлик ҳам баббаравар баҳам қўрилади. Колхозимиздан етти киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган. Улар ҳам турли миллат вакиллари. Юзлаб колхозчилар ордени, медаллар олинган.

Интернационал дўстлик, турли миллат вакиллари билан қўлга олиб, ахир ишлашлари туфайли колхозимиз иқтисоди тобора юксалиб, қишлоқларимиз ободонлашиб, турмушимиз фаровонлашиб бормоқда. Колхозимизга келган киши катта, кўп миллатли оилалар келгандек ҳис этилади ўзим. Раис—ўзбек. Партия комитетининг секретари—тоjik, зоотехник—рус, ветеринария техник—мордвин, бош иқтисодчи—қорейс, агроном-энтомолог—татар, полициялик бригадасининг бошлиғи—молдован...

Юбилей йилида кўп миллатли колхозимиз аъзолари катта меҳнат зафарларига эришдилар. Давлат оморларида 5600 тоннадан кўпроқ пахта жўнатди. Унинг яримдан кўпроғи машиналар билан териб олинди. Ҳосилдорлик 32 центнердан ошди. Ўшқча соҳалардан ҳам катта даромад олди.

Ким эди, ким бўлди, деб ўзимга ўзим савол берман кўнчинча. Қишлоғимизнинг биринчи коммунисти Расул ота Нормухамедовнинг сўзлари эсимга тушади:

—Худди эртандагидек ўзгариб кетди шаҳар, қишлоқларимиз, қўлларимиз ҳам. Бу пахтазор, зилол-каналларни, болаларни, обод қишлоқларини чўп тушишда ҳам кўрмалган эди. Ленин Декрети жонсиз чўпини тириттирди. Совет ҳокимияти, халқ ҳокимияти Мирзачўлда янги бўстон, дўстлик бўстони яратди. Гузал, қудратли, сержилва, саҳий дўстлик бўстони.

Сир қирғоғида туриб, бепоев даладар, болаларга суқлан тикиламан. Мирзачўлимиз қуш уса қаноти «оқ олтин» тоғларига тегадиган, одам юрса босган изида боллар яшайдиган яхлит бир днёр бўлиб кўрилади кўзимга!

Киров номидаги «Электросида» бирлашмаси коллективи бу йил одадгидан умумий қуввати 20 процент кўп бўлган турбогенераторлар ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Корхона маҳсулотлари ўнлаб чет мамлакатларига чиқарилади. Суратда: йиғувчи слесари И. Грачев Финляндия учун тайёрланган 200 минг киловатт қувватли ротор-генератори қўздан нечирилти.

М. Блохин фотоси, ТАСС фотокоринаси.



Полторацкий ер — ости газ сақлаш тажриба станцияси Тошкент об-ласти, шунингдан Чимкент, Жамбул, Фрунзе ва Олмаота шаҳарларини узункис газ билан таъминлаб туради. Суратда: станция оператори Ольга Абрашимова наватчилик қилляпти.

И. Глауберзон фотоси.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ

— Янги Тошкент қаердан бошланади?

— Янги Тошкент «Халқлар дўстлиги» проспектидан бошланади! Метросозлар бу рамазий гопни тақдорлашни хуш кўрадилар. Бизнинг участкамиз худди мана шу Фарҳод станцияси қурилишида меҳнат қилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ер остида қўш туннель очиб, бирини салкам 800 метр ва иккинчисини қариб 400 метр ичкари-роққа олиб бордик. Бу сменада икки метр ҳажмда туннель қазиб ишлари бажаришмоқда.

Икки метр! Сменада шунча. Бу камми? Агар шу иш ер юзиде бажариладиган бўлса, ҳеч гап эмасди. Лекин, ер остида туннель қазиб, туннель очиб мураккаб. Метросозларимиз прохидия ишларини қанчалик тежорлик билан олиб бораётганлигини бизга маълум қилиш учун биргина мисолини келтириб ўтмоқчиман. Бу май ойида бўлганда, бир ойда прохидиячиларимиз 152,5 метр ҳажмдаги ишни бажаришди. Бу шунчалик катта рақам эканлигини сал кейинроқ билиб олдик. Мутахассислар ҳисоб-китоб қилиб, 152,5 метр ҳажмдаги прохидия ишларини бажариш Бутуниттифок рекорди деб баҳо бердилар.

Тошкент метроси бутун совет халқининг меҳнати билан тикланмоқда. Метро қурилишига мамлакат ердан қўрсатяпти. Москваликлар лойиҳаларни тайёрласа, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарларнинг корхоналари зарур ускуналарни етказиб бераётди. Турли миллат вакиллари елка-елка туриб ишлаб, Ўзбекистон пойтахти ер ости сероини барвақт қуриб томонлаш ҳаракатида.

Н. МОРОЗОВ,

Тошкент метросини қураётган 2-туннельсозлик отряди участкасининг бошлиғи.



Қайсин ҚҮЛИЕВ,
СССР Давлат муқофоти лауреати.

ЭЙ, ҲАЁТ

Мавруди билан келар ҳар қалбнинг ҳам баҳори.
«Шудгор қила олдингми даламиз?» — сўрай ҳаёт.
— Дон сепдингми, эдингми, айтчи, кўнгида бордини,
Баҳор бошини сийлашга бўлдим сенда сабот?

Ҳар кимнинг эшигига ёз ҳам келадиган бир лой.
Ҳаёт тағин сўрайди: — «Меҳнат қилдингми дилдан?
Даламиз босмадим бегона ўт, печак, айт.
Қўнгилинг тўлгани ахир тўғини-сочини ҳосилданга,
Эшитиб қоланаксан қузнинг ҳам қадамларини,
Ҳаёт тақдор сўрайди: — «Битирдингми ишингми?
Йиғиб-териб олдингми бўлиб ҳосилнинг бордини
Бамайлихотир қарши оларимсан қишнингми?»

Охири қиш тортман кириб келар уйингга,
Ҳаёт қайта сўрайди: — «Қиш нелюмда, шаймисан?
Ушалдинг барчаси неми бўлса уйингга?
Қишнингнинг тоғдан мамун қарчегаймисан?»
Бирон, айтинг, бормикан мактангувчи бирор зот,
«Дуни тағига етди» деяки ботингувчи?
Ҳаётнинг етишган назари тўқ каби шод,
Замин ва осмон аро ҳар қайга ботингувчи?

Майлига, ҳаёт сўра бизлардан минг-минг савол,
Мушкул бўлса-да, барин биз тинглаган ойналарда:
Гўё барглар шивирлар, кунчиқар ҳам ёнар оё,
Онинг нурни оҳиста титраб незар тоғларда.
Биздан сўраб турмоқни ҳаёт бас қилса агар,
Дарин турса ўзининг мушкул саволларини —
Бўшаб қолганда булар нег, нонажон даладар,
Қўнгила ҳам сингиримас тоғнинг нурларини?

Нон ила сув таъминини унутаримиз биз шунда,
Ўнгиб нетар бор ранглар, қўнги ҳам қоплар булут.
Айланиб қолар йиллар маънос бир хил йўсинда,
Еру дўстлар, жуғалар бизлардан узар ўқини.
Ох, ҳаётим, мен сенинг садоларинг севарман,
Тортинма ҳеч, сўрайвер, беравер савол, савол!
Шовиллаб турсин улар, мисли шимолу ўрмон,
Шаринраб турсин улар, дарё, поёздарлар мисол.
Агар қайгу-аламин сўзларга беринтмасанг,
Шодлиқнинг жарангоси сезилмайдиган дилларда.
Ҳаёт, билгини, бирор кун сўрамай қўйсанг мени
Ўзимга етолмасдан қолиб кетгуж йўлларда!

Муҳаммад АЛИ тақримаси.

ҚАРДОШЛАР МУШОИРАСИ

Расул ГАМЗАТОВ,
Ленин муқофоти лауреати.

САККИЗЛИКЛАР


Шеър ёзмоқ-чун қанча сўзлар изладим,
Қаламимиз маҳкам тутиб ишладим.
Бу сўзларни ота-боболар қадим,
Ханжар билан ёзиб кетган ханжарга.
Елдор отга миниб, «Хуш қол» — деб, — дилбар!
Қурашга кирганлар доғруқ, шон билан,
Мен сизга-ла битган сўзларни улар
Тошларга ёзганлар қайноқ шон билан.

Тоғлиқлар тушганда жанжал қастига
Ўзоқлардан етиб келсаю айб
Рўмончасини ости оёқ остига,
Қўллардан қулган шу лаҳза қурол.
Аёллар! Қўнғиллар тиймай ўзини
Қурашга кирганлар доғруқча манг,
Қўз ёшга тулган рўмонлигини
Эриқлар оёғин остига ташлагин!

Одамлар, мушқа сўст ташлайсиз қадам?

Тўғри, шовилмайдиган йўлда тошбақа,
Ленин тошбақани йўрғини бошқа:
Тошбақа яшамас бир асрдан кам!
Йўдошларда чопган қўнлар каби
Нега ошқасиз одамлар, ҳайхот!
Қўнлар ҳовлиқса бордир сабабим,
Улар яшамайди беш йилдан энди.

Ю. ШОМАНСУР тақримаси.



Винтор ЛЯПУНОВ

ГАФУР ҒУЛОМ СОВҒАСИ

Оқшом Пасалди ёз иссинг сал,
Гулдай чарақлайди парк чироқлари.
Мушора қизиб кетган чоллари,
Юрак қайғини юзларда ялди.

Гафур Ғулом ўзи ўқиб берар шеър
Мушхиллар қалбиде дегиз тўққини.
Ешлар-чи, тортинар, аранг байт ўқир,
Шеърингга солиб нурли тўғини.

Пахтоқ соғини эзиб ўтирар эдим
Столиннинг четиде ҳайронлиқда мен,
Мечун тўлқинларимай—иштироқ эдим
Гафур Ғулом билан шеърхонлиқда мен.
Унутмайман уша лаҳзани сира,
Гафур ана бошдан оқиб дўппини
Башарга интигади, деди:—Хотира,
Дўппи қатинида шеърлар кўп бўлсин!
Ҳамон ардоқлайман уша дўппини,
Ва кўраман уша боғин мен қайта.
Қўрдам шеърхонлигини яна кўпини,
Аммо у учрашув чексиз қиммат!

Русчадан тақримаси

Бердиазар ХУДОЯЗАРОВ,

туриман шонри, Маҳтумқўли муқофоти лауреати

ИНСОНЛАР

Бу умрида ишми тушди қўлларга,
Махлашлар солдим
Етганча дастим.
Инсонларга боғлиқ бўлмаганимда,
Балки улар қадрини ҳам билмасдим.
Эй инсонлар!
Мен сизни олқишлайман!
Сизга сулнаман,
Менга тираксиз.

Шодлигимиз сизсиза ўтмас ва лекин
Қайгули чоғда ҳам менга кераксиз,
Қўчаларда салоомлашиб юрганда,
Йиллар гоҳи, тўққинлар юрак, ҳис,
Йўлга чиқсан кузатарсиз ва лекин
Адашган чолларда менга кераксиз.
Инсон-инсон хурматини сақласин,
Юрмасин бир-бирини билмай, дараксиз,
Тирингисин сизсиз нечас ва лекин —
Улган кун ҳам жуда, кераксиз!

Туриманчадан тақримаси.

ПАХТА-ФАВВОРА

Уғай ДЕГУК,
қорейс шонри.

Тошкентнинг Навоий майдони. Унда
Бир чанок очилган пахта-фаввора.
Оппон товланди очилиб кунда,
Одамлар финирини тортиб тобора.

Очилган чанокда лўғини оқ олтин
Тўлиб жиялалар, у қучоқ-қучоқ.
Қўрдику тилим лол,
Турганча қолдим,
У чанок эмасди, у қайнар булоқ!

Чор атроф сув эди — минимлар дала
Ўртада оқ олтин, нур жияла қилур,

Театр-ёғдулар ичра тонг палла,
Навоий тургандаки... устоз кўрину.

Бунда йиғилганлар фаввора эмас,
Чанокдан сўз бошлар, гурунги найон.
Қўнча отилди, сув тинмас, тинмас,
Пахта очилди, қайнайди чанок!

Пахта тошмонидан, олтин фаввора
Қўз-қўз қилиб турар ўзбек гурурини.
...Одам йиғилмоқда бунда тобора,
Қўрдики бахтли кунлар шавақ сурурини.

АМУ ҚУЁШИ

Амунинг бутана сувлари шо-вуллаб оқиб ётибди. Офтобнинг зар қонилари қопқондек сап-чиқ ўйнаётган тўққизлар лаф-тида олтиндай товланади. Дарё қирғоқда бўлат ҳартумини чўзган қранлар тинимсиз ҳа-ракатда. Пулат қалқонини ер-га тираб, кучли оғин билан тупроқ сўратган бўлдозорлар бир зум тиним билмайди. Узок ўзоқларда Аму бедига туганган тош тўғон қорайиб кў-ринади. Эл бу ерларни қадим-дан Тахиятош — тош дўни деб атарди. Ана у дарё кўнгига ериб кирган улкан қоя — дў-ни нусха харсанг. Кенгайиб, яйраб оқётган дарёнинг бели шу ерда торайиб бир тутам бўлади. Эл неча-неча асрлар бўйи оранкиб кутган тўғон шу ерда қад кўтарди. Тошқин, шовқин, тўполончи дарёнинг шахти сусайди. Инсон эзмизга тушибди.

— Эслайсаним ўринғали ўша йилларни? — сўрайди Муборек.

Эсламай бўлармиди. Ҳамон ҳаёлимда ўша кунлар. Тахия-тош гидроузели қурилиши ҳа-қида партия ва ҳукумат қаро-ри эълон қилинган кундан кўп ўтмай Муборек билан «Тахия-тошгидроэнергострой» бошқар-масида учрашган эдим. Паст бўйли, елкадор Ўзбекистон-нинг қуёши ҳали унча қорай-тир улгурмаган бу йилги Уфадан келганда. Қўлда ари-за. Икковлашиб бошқармага кирдик. Биргина биз эмас, ян-ги қурилишда келганлар кўп экан. Кўп ўтмай танишиб ол-дик.

— Қандай ҳунаринг бор, қа-ерда ишлашини хоҳлашини, — сўрайди бошқарма бошлиғи.

— Ёнги оғир ҳисобланган участкага юборинг, бетончилик бўлса ҳам майли.

Хонада бир чеккада ўтирган оқ сариқ, баланд бўйли йилги Муборекнинг бу сўзларини эшитиб, ялт этиб унга қаради:

— Қаердан келибди?

— Уфадан. Коммунистман.

Ҳамсухбатининг юзи ёришиб кетди.

— Мен бошқарма партия ташкилотининг секретариман.

Фамилиям Арипов. Сафи-мига янги киши келгандан бе-нихоз хурсандман. Қани, мар-ҳамат, сизлар учун қалбимиз ҳам, уйимиз эшиги ҳам очик...

Хўш, сиз-чи?

Партком секретари бу савол-ни менга берганди. Ўзим ав-валлари қурилишда ишлаган-им, бетончилик қасбим ҳам борлигини айтиб, Муборек би-лан бир ерга ишга юборишлар-нинг сўралиди. Шу кунин янги бригада, бетончилар бригадаси ташкил топди. Мен бригада бошлиғи қилиб тайинландим. Аввал тўғон қурилишига кўчдик. Мана шу катта қорхонада бри-гадамиз аъзоларининг ҳам бармоқ излари бор. Ҳозир шу ерда бетон тайёрлаётган. Бри-гадамизга 24 киши аъзо. Улар-нинг ҳаммаси ҳам меҳнатсевар кишилар. Тўғон кўни рази со-либ ҳисоблаб чиқсан, ўн икки миллат аъзоси эканлик. Мен — қозоқ, Муборек Сафин — та-тар, Ўздоб Бердимуродов — ўзбек, Ҳўнамурод Туримбетов — қорақалпоқ, Семён Шапо-чников — рус... Ҳаммамиз ҳам шунчалик аҳил, шунчалик дўстлашиб кетганимиз, ки-минг қандай миллат фарзанди эканлигини сўраш ҳеч кимнинг ҳам ҳаёлига келган эмас. Се-винг ҳам, қўвонч ҳам, тўй-ма-рака ҳам ўртада. Биргина биз-нинг бригадамиз эмас. Тахия-тош гиганти қурилишда меҳ-нат қилаётган бошқа бригада-ларда ҳам ана шундай аҳвол. Бошқармамиз тош маъёда ин-тернационал коллективдир. Ун-да мамлакатимизнинг турли раён ва шаҳарларидан келиб ишлайётган ҳар хил касб э-галари учратиб муимин. Шу сабабли биз қурган тўғон В. И. Ленин тугилган кунининг 103 йиллиги арафасида фой-даланишга топширилаётган кезда ҳамма уни бир овоздан дўстлик нишооти деб атади.

Қиёнда раён партия коми-тетига тақдир қилинди. Бри-гадамиздан еттовол секретарь қабулхонасига кирдик. Райком секретари Пиржон Ҳолмуротов ишимизни, ютқуларини, ре-жаларини сўрашди. Шу кун бошқарма қўмусларини орасида биринчи бўлиб янги партия билети қабул қилиб ол-дик. В. И. Ленин сийосат ас-сиз партия билетини қўлга о-лар эканлик, қўлдан бери юрагимга туккан режамини шу ерда айтдим.

— Беш йиллик планни уч-арим йилда бақараман. Бу —

меннинг шахсий режам. Бри-гадмиз аъзолари ҳам бу тақли-фимни қўлаб-қуватлашади.

Дарҳақиқат, бригадамиз аъзолари билан ўзаро суҳбат-да ана шу режаларимни айтиб берганимда «Жуда тоғиб га-пирибсан, баракалла ўринғали, сенинг режам — бизнинг ре-жамиз, сенинг ишинг — биз-нинг ишимиз, чунки ҳаммамиз ҳам бир коллективмиз» дейиш-ди ҳамма бир овоздан. Ҳозир келгуси йил ҳисобига ишлай-миз.

Гарчи тўғон қуриб тугаллан-ган бўлса ҳам, олдимида ҳа-ли катта ишлар турибди. Бош-қармамиз бу йил 21 миллион сўмлик, қурилиш-монтаж ишлар-ини бажаришни планлаштир-ган. Ёнги оғир иш бригадамиз меҳнат қилаётган темир-бетон буюмлари заводи чекига туш-ган. Чунки қорхонамиз қури-лишга бетон етказиб беради, агар заводда бир зум узалиш рўй берса, қурилишдаги ҳамма участкаларда ҳам иш тўхтаб қолади. Ана шу сабабли яқин-да бўлиб ўтган партия йилли-ғида Ўзжамурод Тўрмутовнинг сўз олиб, ҳаммамиз зарбдорча-сига ишлаган, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учин-чи йили тошпиринини муддатид-ан илгари бажаришга даъват этди. Бошқармадаги 261 ком-мунистнинг ҳаммаси унинг бу чақириғига қўшилди.

Амунинг бутана сувлари шо-вуллаб оқиб ётибди. Офтоб-нинг зар қонилари қопқондек сап-чиқ ўйнаётган тўққизлар лаф-тида олтиндай товланади. Пулат қранлар тинимсиз ҳа-ракатда. У ер бу ерда пайванди қўлдан чиққан учқунлар ялт-қил ёнади. Тахиятошда меҳнат қайноқ. Эл қадимдан тош дў-ни — Тахиятош деб атаган қон-индан бошланган тўғон дарё беллига тош қамар бўлиб тў-шалган. Бу тўғонини биз дўст-лик нишооти деб атаялмиш. Ҳа, дўстлик нишооти! Чунки уни ўйлаб миллат ўғил-қизлари аҳил, дўст бўлиб, бир онда фарзандлик ёнқ меҳнат қи-либ бўлиб этган.

Ўринғали КЕНЕБОВ, «Тахиятошда озе эрг о-строй» бошқармаси бев-члар бригадасининг бош-лиғи.



КОНЦЕРТДА.

Д. РУЗИМОВ ФАТОТЮДИ.

«ЧИНАКАМ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ»

Шу йил июль ойида республикамизда совет адабиёти кунлари бўлиб ўтган эди. Иттифоқимизнинг ҳамма қардош республикалари ва ўзга социалистик мамлакатдан келган ёзувчи ва шоирлар Тош-кентда томоша қилишди. Миразчулнинг янги жамолини кўрибди, қадимий Вухоро ва сўғам Фарғонадаги китобхоналари билан қи-тин суҳбатлар қуришди. Самарқандда учрашувлар ўтказилди.

«Совет Ўзбекистон» мухбири Самар Нуров атоқли ёзувчилар билан суҳбатлашди, уларнинг таассуротларини ёзиб олган эди.

Эътиборингизга Миразчул таассуротларини ҳавола қиламиз.

Олесь ГОНЧАР [украин ёзув-чиси, Ленин мукофоти лауреати]: — Миразчулда аjoyиб кишилар-ни кўрдим. Айниқса, Сирдарё раёнидаги «Ленинград» колхо-зининг расми Кўзбоқар Синдо-ров, Миразчул қурилиш бошқар-маси бошлиғи Тўғамин Бойми-ров билан учрашув ва суҳбатлар менда яхши таассурот қолдирди. Булар чинакам замондошларим-миз, қисса, романига шундай ки-риб кетадиган образлардир.

Бизнинг ҳам ўз Миразчулимиз — Таврия чўли бор. Халқини қан-чалар қийнаган бу чўл ўрнида қозир ўн минг гектарлаб узум-зорлар яратилган. Чўллари мўл-кўчликлик ўқисига айлантирган инсон билан фахрланганимиз, уларга таъзим қилишимиз, улар-ни ўз асарларимизда янада улғу-лашмиш керак.

Евстафий БУНАСКИЙ [болгар маъноси гуллар водийси эканини]

зиди билдим. Мен ҳам аттир-лар водийси номини олган Бол-гариядан келдим. Сизлар ва биз гоиларимиз, келажакимиз билан-гина эмас, аттиргулларимиз билан ҳам бир-биримизга яқин эканмиз. Миразчулликлар меҳнат тери би-лар ер тери-тузини йўқотган аза-мат кишилардир.

Нгуен Ванг БОНГ [вьетнам ёзувчиси]: — Менинг ватаним Вьетнам ҳам ўзбеклар юртидай яшил дарёдир. Бизнинг халқи-миз ҳам ўзбеклардай гулларни севади, бомбардимон қилинган уйлар олдида ҳам, йўлларда ҳам ранг-баранг гулларни курабди. Ана шу гулларнинг поймол бўл-маслиғи, доимо муаттар атир та-рибти ўсиши учун совет халқлари бизга катта ердан берди. Яшил-лик учун кураш — ҳаёт учун ку-раш, яшиллик — келажак, ривож-ланишдир. Ям-яшил Миразчул менга Вьетнам далавларининг кел-жагадигай туюлди.

ЖОЛАХОНИМ [эрон шоираси]: — Жайхун йилга оқарди. Бун-и тарихий китоблардан ўқиб бил-ганим. Сирдарё кўлиб оқибди. Бугун бун ўз кўзим билан кўр-дим.

Римма КАЗАКОВА [рус шоираси]: — Одам қалбида ҳам, юрт ҳаритасида ҳам оқ доғ бўлганга-ни яхши. Миразчулликлар юртин-ғи ҳаритасидаги оқ доғни йўқо-тиб, ўрнида бўстон яратмоқда-лар. Ўзбек юртининг ҳам, одам-ларининг ҳам мафтуниман.

Марк МАКСИМОВ [рус шоираси]: — Одамлар ҳеч қачон қараб Миразчулнинг жасоратли янги ав-лоди вожа етаетганлигини кўр-дим.

Домин ЗБИГНЕВ [полск ёзув-чиси]: — Мен чўлдаги гулларга, гулдай янганган қизларга қараб, ўзбеклар юртида нега шоирлар қўлгининг сирини аналдим. Миразчулда унган гуллар халқ-лар дўстлиги гуллар эканлигини менга гоат таъсирлантирди. Бу менга буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг гул ўстириш учун ерини севиш, ардоқлаш керакли-ги ҳақидаги мисрасини ёдимга солди. Мен шу дўстлик гуллави ҳеч қачон сўямаслигини истай-ман.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг тақлифига биноан мамлакатимизга келган Гваделупа Коммунистик партиясининг Бош секретари Ги Данент бир неча кун Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Меҳмон Тошкент область Оқ-қўрган раён партия ташкилотин-нинг фаолияти билан танишиб, шу раёндаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозиди бўлди. Данент Тошкентдаги В. И. Ленин Марка-зий музейининг филиалини, Ўзе-бекистон ССР халқ ҳўналиги юту-қлари виставасини бориб кўрди. Меҳмон Самарқандга ҳам бориб келди. (ЎзТАГ).

Англия коммунистлари ва иш-чилари «Морнинг стар» газетаси-нинг ташки сўбат овозорчиси Пит-тер Зинкин Ўзбекистон билан та-ниша бошладди.

20 августда инглиз журналисти чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзебеки-стон жамиятида қабул қилинди. Меҳмон шу кунлик Тошкентнинг янги қурилишларини кўздан ке-чирди. (ЎзТАГ).

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖУНАБ КЕТДИ

Бангладеш Халқ Республикаси Миллий Ассамблеясининг расми Мухаммадулла бошчилигидаги Миллий Ассамблея делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишиб бўлди. Меҳмонларнинг мамлакат бўйлаб қилаётган сафариди СССР Олий Советининг депутаты М. А. Зондов уларга ҳамроҳ бўлиб юр-ди.

Самарқанд областига қилинган сафар вақтида меҳмонлар Булуғ-ғур районидаги «Октябрь» колхо-зининг дага меҳнатчилари билан танишди.

19 август кунин делегация акаде-мик Р. Р. Шредер номидида бог-дорчилик, узумчилик ва виночи-лик илмий тадқиқот институтини бориб кўрди.

Шу кунин Ўзбекистон ССР Олий Совети номидан меҳмонлар шара-фига зинфат берилди. Зинфат са-мимий, дўстона ваиятда ўтди.

Бангладеш Халқ Республикаси Миллий Ассамблеясининг делега-цияси Тошкентдан жунаб кетди.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — «Вахтёр болаларимиз». 19.05 — Тошкент — дўстлик шаҳри. 19.35 — Ахборот. 19.50 — Дўст-лик мушоираси. 20.20 — Хўжак-лик фильм. 20.40 — Ўзбекистон-нинг бир кунин. 21.20 — Ахборот. 21.40 — Қишлоқ ҳўналиги ҳодим-лари учун қўрсатув. 22.10 — Ва-тан, дўстлик ва меҳнат ҳақида қў-шқилар. 23.00 — «Вахтёр». ИККИН-ЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШ-КЕНТ. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 11.10 — «Звездочка». 11.50 — Ва-дин фильм. 18.30 — МОСКВА. Концерт. 19.05 — Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси, (бадий фильмнинг 9-серияси). 20.30 — «Ўзбекистон-да-73». 22.40 — Эстрада концерти. 23.00 — ТОШКЕНТ, УЧИНЧИ ПРО-ГРАММА. 18.45 — Тошкент лиги-ликлари. 19.00 — «Чарм тўп» клуб-би сарояни учун. 20.30 — Класик музика баҳишларида. 21.00 — Каттиққўла аёл (бадий фильм).

КИНО

ҚИШҚИ БИНОДА

Михай ботир (2 серия) — «НАП-КА» (поязуа ва нечурун), САНЬ-АТ САРОВИ (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Машаққатли насб — «КОСМО-МОД 40 ИЛЛИГИ». «ВОСТОК» (жуфт соатларда). «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва нечурун).

Сўнгги гайду — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва нечурун).

Моятавр (11.00, 12.00, 13.00, 17.00, 18.00, 19.00, 21.00). Катта сароян (14.00, 15.00, 20.00) — «СПУТНИК».

Садокат — «КўККА» (кундуз ва нечурун).

Геро тарихи — ҚАЗМА номли (кундуз ва нечурун).

Бехуда шов-шув — «МОСКВА» — (кундуз ва нечурун).

Водийдаг довул — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва нечу-рун).

ЕЗГИ БИНОДА

Машаққатли насб — «РАКЕТА», Мотугар — ТЕЛЪМАН номли.

Церини гиш — «ФЕСТИВАЛЬ».

Сўнгги гайду — «ХИВА».

2. «УЗБЕКИСТОН» ТРЕСТНИНГ 70. МАХСУС КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ-ЛАШГАН КОЛОННАСИГА

ишлаб чиқарш техника бу-лийнинг инжинерлари, сан, техника ва электромонтаж иш-лари бўйича прораблар

К Е Р А К

Қўшмица 1,35 ва 1,55 раён коэффциентлар, иш кўча ха-рактерга эга бўлганлиги учун

қўшмица равишда таъриф ставкасининг 30 проценти ту-ланади. Ёул икна ва бошқа чи-қилар меҳнат ҳақидаги ко-нулар кодексига биноан ту-ланади. Бир йил мобайнида раёндада турармий билан таъминланади.

Қадрлари ҳисобга олиш ва-раири қўйидаги адресга юбо-риш: Ўзбекистон ССР Қаш, қадарли област, Қарши шаҳ-ри, 160-раён.

Эълонлар — 330142, коммутатор — 330249 дан 330255 — 343.

Р. — 01699.

СПОРТ

УНИВЕРСИАДА — 73 МЕДАЛЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ватанимиз пойтахти Москвада катта спорт байрами — «Универ-сиада-73» мусобақалари оидида моқда. Қаринб 230 кишилик совет терма командаси аъзолари спорт-нинг ўн турин бўйича курашда ўз маҳоратларини ишга солиб му-ваффақият қозонмоқдалар. Сту-дент-спортчилар мусобақаси ишти-рокчилари орасида мамлакатимиз йилги-қизлари олтин медалларини қўлга киритишда пешқадамлик қилишмоқда. Ҳозиргача олтин медаллар 36 тага эйа деб қолди.

Мусобақанинг энг қизиқариш ва сезилма турлариди қисқабанган спорт гимнастикаси қўшқилинган олимпикка савдор бўлди. Марка-зий спорт саройида ўтказилган ўйинларда туртовол гимнастика, чи қизларимиз — гроднолик Оля-га Корбут, воронежлик Любовь-ва Бурда, москвалик Любовь-ва Богд-анова ҳамда республикамиз вақили Эльвира Саидилар команда ҳисо-бида юқори натижаларга эришди.

БУРЧАК ТЎПЛАР ХОСИЯТИ

«Пахтакор» навабдаги ўйинни ҳам ўз майдонда ўтказди. Львов қарпачилари билан пахтакорчи-ларининг шанба кунги ўйини ма-лакат футбол чемпионати олий лига номдодларининг 21-турини бошлаб берди. Командамиз кейин-ги вақтларда мухлисларини ма-м, нун этакдан чиройли ва хаяжон-ли ўйинлар қўрсатмоқда.

«Пахтакор» — «Карпат» учра-шувида ҳам майдон эгаларининг ўзига хос жиҳатлари томошабин-ларни ҳаяжонлантириб турди. Пах-такорчилар ҳужумкорликка куч бе-риб, техника-танити жиҳатдан бо-шқа қароқ ўйин қўрсатишди. Бу эса майдон эгаларининг устуни-лигини таъминлаб берди. Команда капитани Биродар Абдураимов бурчакдан тўп тепишнинг ҳаддини олиб қолди. Навабдаги ўйинларда капитанимизнинг бурчакдан тўп тепиш маҳоратини мухлислар «лобановскийча усул» деб маъ-ташмоқда.

Львовликлар билан ўйинда ҳам пахтакорчилар ана шундай «бир бошча» ўйнаш маҳоратларини

БУГУН ҒОЛИБ АНИҚЛАНАДИ

Бугун Марказий «Пахтакор» ста-дионида «Чарм тўп» клуби со-варини учун ўтказилаётган бутунит-тоқ мусобақаси ғолиб аниқла-нади. Тошкентдаги тўрт стадион — «Старт», Асбобозилик заводи фут-бол майдони, «Тўққизчи», «Трак-тор» стадионларида бир неча кун-дан бери курашаётган 24 коман-данинг кичик группа ғолиблари маълум бўлди.

Туртинчи группада ўйнаётган Тошкентнинг «Олдузча» команда-си билан қозғистонлик футболчи-

лар. Улар жами 114,45 балл тўп-лаб қўқиларига биттадан олтин медал тақшига муяссар бўлишди. Тошкент жисмоний тарбия инсти-тутининг талабаси Э. Саиди гим-настика тўқинада қўрсатилган маҳ-калар бўйича 9,35, сакраш бўйича 9,7 балл билан команда ютуғига муносиб ҳисса қўшди. Спортчиларнинг универсиада мут-лақ чемпиони номини олиш учун курашлари ҳам нафосатли ҳава-катларга бок бўлди. Айниқса, бу-ғунги кунда жаҳон мухлисларига танилиб қолган Оляга Корбутнинг машҳур тўққиз ҳаракати узок давом этган олқишга сабаб бўлди. Оляга барча машҳирлар муваф-фақияти ўтаб 77,65 балл билан мутлақ чемпион номини олди. Мазкур олишувларда кучли ме-дал воронечлик Любовь-ва Бурда-га насб қилди. Тошкентлик Эль-вира Саидилар софида спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиб бронза медал сариндори бўлди.

қўрсатилди. Судья Элдор Азми-зов бурчак тўпи белгиланганда, бу масъулиятни вазирам Абду-раимов адо этди. Унинг дарвоза қиёнидаги майдонга йўналириб берган тўпини Василаси Хаджи-па-наев 28-минутда Вайда дарвоза-сига киритиб, ҳисобини очиниға муваффақ бўлди. Майдон эгала-рининг бутун ўйин давомидаги ус-тулигини яққол сезилиб турди. 37-минутда Василаси иккинчи тўпни львовликлар дарвозасига кир-итишга улгурди. Учинчи тўпни эса Абдураимовнинг ўзи дарвозанинг юқори томонидан киритди. Учра-шув охирай бошлаганида меҳ-монлардан Эдуард Козиневич биргина тўп киритди.

Шу тариқа «Пахтакор» 3:1 ҳисо-бида янги ҳисобли ғалабага эришди. Бу турдаги уч ўйини шанба кунин бўлди: СКА — «Зенит» — 2:0, «Шахтёр» — ЦСКА — 4:1, «Кай-рат» — «Днепр» ўйини асосий вақт ичида 2:2 билан тугади, 11 метр-лик тўплар якунида днпрчилар ғолиб чиқшди.

Гарбий Германиянинг Немеран фирмаси томонидан Сенегал соҳи-лад олинган янги клуб «Ал-дана-на» деб аталди. Фирма денгиз бўйи кўчаларда дам олишга та-лиф этди. Лекин ҳаммази эмас, Сенегал ҳукумати аъзоларидан би-ри бу клубни нўрмоқчи бўлгани-га қорувлу уни бу ердан ҳайдаб чиқарди. Шунда Дакарада чиқадиган «Солей» газетаси агар ҒФРда «факат сенегалликлар учун» клуб очилганида гарбий германиялик-лар бунга қандай қарардилар, де-ган лўмча ташлади. Компания че-чирим сўрашга мажбур бўлди.

НЬО-ЙОРК КЎЧАЛАРИДА...

Нью-Йорк полицияларининг бир группаси шаҳарга келган ту-ристарлар қорғонини тўғушча меҳ-монхонага етиб ололмас, аҳволни

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЭКСТРЕМИСТЛАР БЕБОШЛИГИ

ЛОНДОН. 20 август. (ТАСС).

Энг ашаддий ўнг ташкилотлар-нинг аъзолари бўлган протестант экстремистлар Олстердаги наф-оликлар маҳаллаларининг аҳолиси-га қарши террор кампаниясини тўқтатмаётганлар. Улар нуқул ҳеч бир тўғунохиз кишиларни террор қилмоқдалар. Бу бегуноқ кишилар уйларида, кўчада, кинотеатрда ва хафедда уйларидадан бўлган ба-диллар олт ўлдирмасининг, деган хавф остида ашамоқдалар. Мас-алан, кеча экстремист беорилар Арма шаҳридаги католиклар клуби-нинг ўйна тўтилар, натижада клуб қорувли ва контролёр оғир жароҳатланди. Беафсизда экстре-мистлар ашириб қўйган бомба портлаб «Риженис» меҳмонхонаси бениосига катта шикаст этди. Бир неча киши яраланди. Дерридаги католиклар маҳалласида бомба портлаб, пиховхона зали ер билан аясов бўлди. Яқини таасодифий равишда маҳалла аҳолисида ҳеч қим шикастланмай қолди.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА

УРГАНГАН КЎНГИЛИ...

Гарбий Германиянинг Немеран фирмаси томонидан Сенегал соҳи-лад олинган янги клуб «Ал-дана-на» деб аталди. Фирма денгиз бўйи кўчаларда дам олишга та-лиф этди. Лекин ҳаммази эмас, Сенегал ҳукумати аъзоларидан би-ри бу клубни нўрмоқчи бўлгани-га қорувлу уни бу ердан ҳайдаб чиқарди. Шунда Дакарада чиқадиган «Солей» газетаси агар ҒФРда «факат сенегалликлар учун» клуб очилганида гарбий германиялик-лар бунга қандай қарардилар, де-ган лўмча ташлади. Компания че-чирим сўрашга мажбур бўлди.

НЬО-ЙОРК КЎЧАЛАРИДА...